

## ПУДРАТ ШАРТНОМАСИ № 4

(Таъмирлаш ишларини амалга ошириш хақида)

Тошлок шаҳарчаси

« 09 » июнь 2022 йил

**Тошлок тумани Хокимлиги Ободонлаштириш бошқармаси** номидан А. Болтабоев биринчи томондан ва бундан буён бир томондан «Буюртмачи» деб юритилади, низом асосида ҳаракат қилувчи, иккинчи томондан **”Тошлок туман йуллардан фойдаланиш ўнитар қорхонаси”** номидан унинг раҳбари А.Узаков низоми асосида иш юритувчи бундан буён «Путратчи» деб юритилади ва қуйидагилар хақида ушбу шартнома тузилди.

### 1. Шартнома предмети.

1.1. Пудратчи ўз зиммасига буюртмачининг топшириғига асосан 02.06.2022 Давлат харидлари етендер платформаси Энг яхши таклифлар булимига жойлаштирилган 22110012097764 лот рақамли Тошлок туман аҳолиси ташшабуси билан очик бюджет платформаси орқали ажратилган маблағлар доирасида Бесаранг МФЙ Қўргон кўчаси 1.6 км ички кучалар жорий таъмирлаш ишларини бажаришни ўз зиммасига олади ҳамда амалдаги қурилиш меъёр ва қоидалари бўйича сифатли иш бажаради.

### 2. Шартнома баҳоси.

2.1. Шартнома баҳоси 498 564 272.00 (Турт юз тўксон саккиз миллион беш юз олтмиш тўрт минг икки юз етмиш икки сўм) сўмни ташкил қилади.

Шундан ҚҚС 65030122,43 (олтмиш беш миллион ўттиз минг бир юз йигирма икки сўм)43т

### 3. Тўлов шартлари

3.1. Бажариладиган ишлар қийматини 30% миқдорида Буюртмачи томонидан олдиндан Пудратчи ҳисоб рақамига ҳақ ўтказиб берилади.

3.2. Бажарилган таъмирлаш ишлари Буюртмачи томонидан белгиланган тартибда тегишли қурилиш меъёрларига риоя қилган ҳолда Ф-2 далолатномаси асосида қабул қилиб олинади

3.3. Шартнома бўйича бажарилган иш учун ҳисоб-китоб ҳар ойнинг якунида амалга оширилади ва якуний ҳисоб китоб иши тўлиқ тамомлангандан кейин, (бунга ишни қабул қилиб олиш жараёнида аниқланган камчиликларни бартараф қилишни ҳам қушиб) Буюртмачи томонидан амалга оширилади.

3.4. Бажарилган ишни махсус комиссия томонидан қабул қилиб олинмаса, бажарилган ишга ҳақ тўланмайди.

### 4. Мажбуриятларни бажариш муддатлари

4.1. Пудратчи ушбу шартноманинг 1 бўлимида назарда тутилган ишларни белгиланган календар иш режасида назарда тутилган муддатларда бажаради. Бажариш муддати 30 июль этиб белгиланди.

4.2 Буюртмачи Пудратчи томонидан бажарилган ишга белгиланган муддатда ҳақ тўлаши маҳаллий бюджетдан мунтазам равишда маблағ ажратиб беришга боғлиқ эканлигини, шу сабабдан бажарилган ишлар ҳақини тўлаб бериш муддати 2 ойгача чузилиши мумкин. Бу муддат бажарилган пудрат иши якунини махсус комиссия (давлат комиссияси) томонидан қабул қилиб олинган санадан ҳисобга олинади.

### 5. Тарафларнинг мажбуриятлари

5.1. Пудратчи:

5.1.1. Ўз ишчи кучи ва техника воситалари билан календар иш режасида назарда тутилган барча ишларни тўла ҳажмда ва муддатида бажарилиши ва тегишли лойиха ҳужжатларидаги ҳолатида ишларни Буюртмачига 30 банк иш кунига топширилиши.

5.1.2. Объектга лойихага биноан зарур бўлган материалларни конструкцияларни бутловчи ашёлар етказиб бериш ва уларни қабул қилиш, тушириш, тахлаш ҳамда саклашни амалга ошириш.

5.1.3. Ушбу шартнома бўйича ишларни бажариш учун жалб қилинадиган махсус ташкилотлар билан субпудрат шартномаларини тузгани тўғрисида буюртмачига ахборот бериш ва у томонидан ишларни бажарилиши юзасидан назоратни таъминлаш:

5.1.4. Техника хавфсизлиги, ёнгин хавфсизлиги ва объектни қуриқлаш бўйича зарурий чора тадбирларни бажарилишини таъминлаши керак.

5.2. Буюртмачи:

5.2.1. Календар иш режасида белгиланган ҳажмда ва муддатда объектни Пудратчига топшириши.

5.2.2. Ушбу шартноманинг биринчи бўлимида назарда тутилган ишларга шартномада белгиланган миқдорда ва муддатда Пудратчига ҳақ тўлаш шарт.

5.2.3. Пудратчидан ёзма хабарнома олган санадан бошлаб 2 ҳафта ичида объектни қабул қилиши шарт.



5.2.4. Объект бинонинг ичкари кисмида жойлашган бўлса куриклаш учун буюртмачи томонидан объектни куриклаш учун масъул ходим бириктирилиши лозим.

## **6. Тарафларнинг жавобгарлиги**

- 6.1. Буюртмачи бажарилган пудрат ишлари махсус комиссия томонидан қабул қилингандан бошлаб 2 ойгача ҳақни тўлаб бермаса кечиктирилган ҳар бир кун учун 0,04% пеня тўлайди.
- 6.2. Шартнома талабларида кўрсатилган белгиланган сифатлардаги ҳамда бутлашдаги мол-мулк етказиб берилмаган тақдирда, айбдор тараф ушбу махсулот қийматининг 20 % миқдорида жарима тўлашига сабаб бўлади.
- 6.3. Пудратчи шартнома шартларини бузса белгиланган муддатда пудрат ишларини тугатмаса кечиктирилган ҳар бир кун учун 0,05% пеня тўлайди.
- 6.4. Жами томонлардан ундирилган пеня сўммаси низоли сўмманинг 50% ошмаслиги лозим.
- 6.5. Назорат органлари томонидан ўтказилган текшириш давомида етказиб берилган товар еки махсулотлар нархи юқори деб топилган тақдирда ўртадаги фарқ етказиб берувчи томонидан қопланади.

## **7. Форс-можор ҳолатлари**

- 7.1. Тарафларнинг бирортаси ҳам бошқа тарафнинг олдида ушбу шартнома бўйича олинган мажбуриятларни тарафларнинг эрки ва истагидан ташқари пайдо бўлган ва уларни олдида кура билиши ёки бартараф этиши мумкин бўлмаган ва хатолар унга қушиб уриш эълон қилиниши ёки амалда бошланганлиги фуқаролик тартибсизлиги, вабо тарқалиши, блокада, эмбарго, ер кемирилиши, сув босиши, ёнгин ва бошқа табиий офатлар билан боғлиқ ҳолда бажармаганликлари учун жавобдор бўлмайди.
- 7.2. Бартараф қилиб бўлмайдиган кучларни мавжудлиги ёки амалда давом этаётганлиги Ўзбекистон Республикаси Хукуматининг шунга оид қарорлари ёки ва бошқа ваколатли органлар томонидан берилган гувоҳномалари унинг етарли даражадаги тасдиғи бўлиб ҳисобланади.
- 7.3. Уз мажбуриятини бажармаган тараф шартнома бўйича мажбуриятни бажаришга уни таъсир кўрсатиши ёки монейлик қилиши тўғрисида бошқа тарафга имкон қадар тезда хабар бериши лозим.
- 7.4. Агар бартараф қилиб бўлмайдиган кучлар 3 ой давомида мунтазам таъсир этаётган бўлса ва тугаш белгилари аниқланмаса, ижарага берувчи ва ижарага олувчилар бошқа тарафга хабар юбориш йўли билан ушбу шартнома бекор қилиниш мумкин.

## **8. Низоларни ҳал қилиш тартиби**

- 8.1. Тарафлар ўртасида ушбу шартнома бўйича ёки у билан боғлиқ пайдо бўладиган барча низолар ёки қелишмовчиликлар тарафлар ўртасида музокара йўли билан ҳал қилинади.
- 8.2. Агар қелишмовчиликларни музокара йўли билан ҳал қилиб бўлмаса улар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Иқтисодий судларда кўрилишига тегишли бўлади.

## **9. Шартномага қушимча ва ўзгартиришлар киритиш тартиби**

- 9.1. Ушбу шартномага ҳар қандай киритилган қушимча ва ўзгартиришлар ёзма равишда расмийлаштирилиб ҳар иккала тараф имзолаган ҳолларда ҳақиқий кучга эга бўлади.
- 9.2. Шартномани муддатидан олдин бекор қилиш тарафларнинг қелишуви бўйича ёхуд Ўзбекистон Республикасининг амалдаги Фуқаролик кодекси ва қонун ҳужжатларида назарда тутилган асослар бўйича етказилган зарарларни қоплаш йўли билан амалга оширилиши мумкин.
- 9.3. Буюртмачи қуйидаги ҳолларда шартномани бекор қилишга ҳақли:  
Пудратчининг айби билан ишларни боришини сусткашлик билан тухтатиб турилиши яъни ушбу шартномадаги ишларни тамом бўлиш муддати 3 ойдан кўпга ошиб кетганда; Пудратчининг шартнома шартларини бузиши натижасида лойиҳада кўрсатилган ишларни сифати пасайганда;
- 9.4. Пудратчи қуйидаги ҳолларда шартномани бекор қилишга ҳақли:  
Буюртмачи томонидан Пудратчига боғлиқ бўлмаган сабаблар бўйича қурилиш монтаж ишларини боришини 1 ойдан ошадиган муддатда тухтатиб турганда; Буюртмачи томонидан кейинчалик қуришни молиялаш имконияти йўқолганда.
- 9.5. Буюртмачи ва Пудратчининг биргаликдаги қарори бўйича шартнома бекор қилинганда Буюртмачига тугатилмаган қурилиш топширилади. Буюртмачи эса пудратчига улар томонидан аниқланган бажарилган ишларнинг ҳажми қийматини тўлайди.
- 9.6. Шартномани бекор қилишга қарор қилган тараф бошқа тарафга ёзма хабарнома юборади.

## **10. Бошқа шартлар**



## 10. Бошқа шартлар

- 10.1. Объектлар ва унга кирувчи инженерлик тизимлари жихозлар материаллар ҳамда ишларнинг меъёрида ишлашига кафолатланган муддати унинг учинчи шахслар тарафидан кузланган ниятда шикас етказган холлари бундан истисно қилинади. Объектни қабул қилиш тўғрисидаги далолатномани тарафлар имзолаган вақтдан бошлаб 2 ой давомида белгиланади.
- 10.2. Пудратчи томонидан бажарилган ишларга 1 йил кафолат муддати белгиланган.
- 10.3. Камчиликларнинг мавжудлиги ва уларнинг бартараф қилиш муддатлари пудратчи ва буюртмачининг икки томонлама далолатномаси ақс эттирилади.
- 10.4. Агар пудратчи аниқланган камчиликлар далолатномаси курсатилган муддат ичида бажарилган ишларнинг бунга жихозларни ҳам қушиб камчиликларни бартараф қилмаса уларни буюртмачи бошқа бажарувчининг кучи билан харажатларни пудратчи тўлаши орқали бартараф қилишига ҳақли.
- 10.5. Пудратчи аниқланган камчиликлар тасдиқлаш иш далолатномасини тузиш ёки имзолашдан бош тортганда буюртмачи малака экспертизасини тайинлайди. Экспертиза камчиликлар ва уларнинг тусларини ақс эттириш бўйича тегишли далолатнома тузади ҳамда тарафнинг мазкур масала бўйича хужалик судига муружаат қилиш ҳуқуқини истисно қилмайди.
- 10.6. Пудратчи қурилиш объектини лойиха хужжатларини ёки унинг айрим қисмларини буюртмачининг ёзма рухсатисиз бирорта учунчи шахсларга сотиш ёки бериш ҳуқуқига эга эмас.
- 10.7. Пудратчининг айби билан объектни қуриш натижасида учунчи шахсларга етказилган зарар Пудратчи томонидан буюртмачининг айби билан бўлса буюртмачи томонидан товон тўланади.
- 10.8. Ушбу шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган икки нусхада тузилди ва ҳар бир томонда бир нусхадан сакланади.
- 10.9. Тарафларнинг хохишлари бўйича бошқа шартлар.
- 10.10. Ушбу шартнома бюджет ташкилотлари учун ғазначилик бўлиמידан руйхатдан ўтказилгандан сўнг юридик кучга киради ва “\_31\_” декабрь 2022 йилгача амалда бўлади.

## 11. Томонларнинг юридик манзили ва банк реквизитлари:

«Пудратчи»

«Буюртмачи»

Тошлок туман йуллардан  
фойдаланиш унитар корхонаси

ТОШЛОҚ ТУМАНИ ХОКИМЛИГИ  
ОБОДОНЛАШТИРИШ БОШКАРМАСИ

Манзил: Тошлок туман Канжирга МФЙ  
Бешолиш

Манзил: Тошлок Бунёдкор кучаси 16а

Тел./факс: 902744144

Тел./факс: 99873231149

х/р: 20210000404570134001

шх/р: 401722860302277045204110001

Банк номи: Миллий банк Фаргона  
булими

СТИР: 205 446 986

МФО: 00493

ОКОНХ: \_\_\_\_\_

СТИР: 206833250

Ғазна шх/в: 23402000300100001010

ОКОНХ: 61129

Банкнинг номи: ХККМ марказий банк

Тошкент ш. ББ

МФО: 00014    СТИР: 201 122 919



Раҳбар:

А.Узаков.

м.ў.



Раҳбар:

А. Болтабоев

м.ў.



Toshloq tumani Obodonlashtirish boshqarmasi hamda Toshloq tumani yollardan foydalanish unitar korxonasi o`rtasida 2022-yi 9-iyundagi 4-sonli pudrat shartnomasiga

## YURIDIK XULOSA

Shartnoma miqdori: **498 564 272** (to`rt yuz to`qson sakkiz million besh yuz oltmish to`rt ming ikki yuz etmish ikki) so`m.

Toshloq tumani Yuridik xizmat ko`rsatish markazi bosh yuristkonsulti J.Nazarov yuqoridagi shartnoma yuzasidan xuquqiy ekspertiza o`tkazdim. Huquqiy ekspertiza O`zbekiston Respublikasining 29.08.1998-yildagi "Xo`jalik yurituvchi subyektlar faoliyatining shartnomaviy xuquqiy bazasi to`g`risida"gi Qonunning 21-moddasiga asosan o`tkazildi.

Shartnomada ko`rsatilgan munosabatlarning amaldagi qonun normalari talablariga mos kelishi, shartnoma shartlarining qonun xujjatlari talablariga mos kelishi, shartnoma bo`yicha taraflarning javobgarligi me`yori va nizolarni hal etish tartibi qonun xujjatlari talablariga mos kelishi huquqiy ekspertizaning predmeti xisoblanadi.

Huquqiy ekspertiza o`tkazilayotgan vaqtda O`zbekiston Respublikasining amalda bo`lgan hamda yuridik xizmat uchun foydalanish mumkin bo`lgan barcha qonun xujjatlari o`rganib chiqildi.

Huquqiy ekspertiza natijasida quyidagilar aniqlandi:

Shartnoma ko`rsatilgan munosabatlar O`zbekiston Respublikasining 29.08.1998-yildagi "Xo`jalik yurituvchi subyektlar faolyatining shartnomaviy xuquqiy bazasi to`g`risida"gi Qonuni xamda O`zbekiston Respublikasi Fuqarolik kodeksi bilan tartibga solinadi.

Shartnoma shartlari O`zbekiston Respublikasining 29.08.1998-yildagi "Xo`jalik yurituvchi subyektlar faolyatining shartnomaviy xuquqiy bazasi to`g`risida"gi Qonunning 6,7,15-moddalari hamda O`zbekiston Respublikasi Fuqarolik kodeksining 353-385-moddalari talablariga mos keladi.

Shartnoma bo`yicha taraflarning javobgarligi me`yori va nizolarni hal etish tartibi O`zbekiston Respublikasining 29.08.1998-yildagi "Xo`jalik yurituvchi subyektlar faoliyatining shartnomaviy xuquqiy bazasi to`g`risida"gi Qonunning 24-moddalari hamda O`zbekiston Respublikasi Fuqarolik kodeksining 324-339-moddalari talablariga mos keladi.


Yuqoridagilarga asosan, mazkur shartnoma qonun xujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni tuzish maqsadga muvofiq.

Toshloq tumani Yuridik xizmat  
markazi bosh yuristkonsulti:



J.Nazarov





ЮРИДИК ШАХСНИНГ  
ДАВЛАТ РЎЙХАТИДАГИ  
ЎТКАЗИЛГАНЛИГИ ХАКИДА

# ГУВОҲНОМА



Yuridik shaxs (tadbirkorlik subyektni) davlat ro'yxatidan o'tkazilganligi to'g'risida  
**GUVOHNOOMA**

Ushbu bilan Tadbirkorlik subyektlari yagona davlat ro'yxatiga  
"TOSHIQOQ TUMAN YO'LLARDAN FOYDALANISH UNITAR KORXONASI" Davlat unitar  
KORXONASI

(Yuridik shaxsning - iisbonchilik subyektlari qanuniy shaxs bo'lgan holdagi so'z nomi)

"TOSHIQOQ TUMAN YO'LLARDAN FOYDALANISH UNITAR KORXONASI" DUK

(Yuridik shaxsning qabul qilgan nomi)

Tashkil etish (qayta tashkil etish, boshqa ro'yxatdan o'tkazish ma'lumotlarini o'zgartirish)

04.11.2015

0001

ro'yxat raqamini yozuv kiritilganligi tasdiqlanadi.

(Sana, oy, so'z bilan, yil)

Solliq to'lovchining identifikatsiya raqami (STIR): 206833250

Tashkiliy-huquqiy shahli:

Davlat unitar korxonasi

Joylashgan joyi:

Farg'ona viloyati, Toshloq tumani, Axshak, Beshalish hududi.

Guvoohnoma:

Farg'ona viloyati, Toshloq tumani, YAGONA DARCHA MARKAZI

tomonidan berilgan

(Rajyaliidan o'tkazuvchi organning lo'hi raqami)

